



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Шеробод тумани 2023 йил 3 июль [REDACTED]-сонли иш

Шеробод туманлараро иқтисодий суди судья У.У.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Турдимуродовнинг котиблигида, аризачи вакили [REDACTED] (2023 йил 3 июлдаги №25-48671-сонли ишончнома)нинг иштирокида, аризачи [REDACTED]

[REDACTED] масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Шеробод туман Давлат солиқ инспекциясининг маъмурий биносига, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

а н и қ л а д и :

[REDACTED] аризачи деб юритилади) ариза билан судга мурожаат қилиб, [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда қарздор деб юритилади)ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи [REDACTED] жавобгарнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги тўланмай келинаётганлиги, уни ундириш бўйича барча чоралар кўрилганига қарамасдан ундириш имкони йўқлиги, Мажбурий ижро бюроси томонидан “Суд ҳужжатлари ва орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига асосан тўлаш қобилияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли ижро иши ижросиз қайтарилганлигини билдириб, қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўради.

Қарздорнинг юридик манзилига суд муҳокамасининг вақти ва жойи кўрсатилган суд чақирув қоғози почта алоқа хизмати ёрдамида етказилган, қарздор томонидан суд мажлисини ўзининг иштирокисиз кўриб чиқиш ёки ишни кўришни кейинга қолдириш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилинмаган.

Шунга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 170-моддаси учинчи қисми талабига кўра, ишни қарздорнинг иштирокисиз кўриш мумкин деб ҳисоблайди.

Суд аризачи вакилининг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикри ва тушунтиришини эшитиб, аризани иш ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қўйидагиларга кўра ариза талабини қаноатлантиришни лозим деб топди.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 238-моддасига кўра агар қонунчиликда белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондиди (устав капиталини)

шаклантирмаганлиги муносабати билан тугатиш тўғрисида ўзига нисбатан қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, қарздор “ [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятининг таъсис ҳужжатлари 2020 йил 5 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Қарздорнинг юридик манзили Бойсун тумани, “Қўшчинор” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган.

Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан [REDACTED]

[REDACTED] қарзи 63.716.547,02 сўмни ташкил қилган.

Қонуннинг 45-моддаси иккинчи қисмига кўра, Давлат солиқ хизмати органининг ҳамда бошқа ваколатли органининг қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризасига қонунчиликка мувофиқ солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чоратadbирлар кўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Иш материалига [REDACTED]

[REDACTED] чекланган жамиятининг мол-мулки мавжуд эмаслиги;

-Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Сурхондарё вилоят бошқармасининг [REDACTED]

[REDACTED] йилдаги №24/8-2656-сонли маълумотномаси;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2022 йил 21 октябрдаги 14/22-1469-сонли хатлари қарздордан қарздорликни ундириш имкониятлари мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Аризачи томонидан солиқ қарздорлигини ундириш учун 2021 йил 20 декабрда [REDACTED]

Қарздордан суд ҳужжатларига асосан ундирилиши лозим бўлган ижро варақалари асосида қўзғатилган ижро иши бўйича Мажбурий ижро бюроси Шеробод туман бўлими давлат ижрочисининг 2022 йил 28 январь, 2022 йил 26 октябрь, 2023 йил 25 апрелдаги қарорларига асосан “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 40-моддаси учинчи қисмини қўллаган ҳолда қарздорнинг тўлаш қобилияти мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатлари ижросиз қайтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги “Банкротлик тўғрисида”ги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 142-сонли қарори 35-бандининг тўртинчи хатбошисига кўра, қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги сифатида нафақат унинг раҳбари йўқлиги, балки хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг йўқлигини тушуниш лозим.

Республикаси Қонунининг 23 ва 144-моддаларида белгиланган барча мажбуриятларини тўлиқ бажариш;

-тугатишга доир иш юритиш жараёнини қонунда белгиланган тартибда олиб бориш ва оралиқ ҳисоботларни заруратга қараб судга тақдим қилиб бориш, 2023 йил 25 августга қадар эса тугатишга доир иш юритишни тамомлаш

[Redacted text block]

Мазкур ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг Шеробод туман бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасига юборилсин.

Ушбу ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) ёки у қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида кассация шикояти берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

У.У.Тожиев